

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ



№ 161 (10.466)

2005 ЙИЛ 18 АВГУСТ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
**Дир кўни**  
Янгиликлар, воқеалар

14  
O'ZBEKISTON

Мустақиллик шарофати билан пойтахтимизда фаолиятини бошлаган «Ўзқайнак» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган мебель маҳсулотларининг тури 350 хилдан ортиб, улар бозор ва харидор талабини қондирмоқда.



**СУРАТЛАРДА:** тайёр маҳсулотлар; мебелларга ишлов берувчи уста Фуломжон Ёқубов рақобатбардош маҳсулот тайёрлашда маҳорат кўрсатмоқда. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

**XVI сағоси**  
Барча жаббалардан олқинган сўнги хабарлар

**Мамлакатимизда**

- Қарши шаҳридаги «Насиф» марказий стадионида «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида Қашқадарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида бўлиб ўтган ватанпарварлик фестивалининг якуновчи тадбири ташкил этилди.
- Бухоро шаҳридаги Ал-Бухорий номидаги Фавворалар майдонида мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган миллий маданий марказларнинг «Ўзбекистон — Ватаним маним» фестивали бўлиб ўтди.
- Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишлаб чиқариш цехлари, участкаларида икки кун мобайнида Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган «Корхона — оила — маҳалла — жамият» мавзуида илмий-амалий, маданий ва спорт тадбирлари ўтказилди.
- Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги 62-мактабни қишлоқ фермерлари тўлиқ оталиққа олишди. Уларнинг кучи билан мактаб таъмирланиб, янги ўқув йилига тайёрланди.
- Олти янги компания ассоциациянинг таркибига кирган ҳолда Инвестиция институтлари миллий ассоциацияси сафларини янада бойитди.

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва ташилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Кун тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини бажариш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Кенгаш аъзолари бу соҳада амалга оширилган ишларни таҳлил этиш билан бирга, давлатимиз раҳбарининг қароридан белгилаб берилган мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича келгуси иш режасига ўзатишлар киритди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

томонидан ишлаб чиқилган ахборот технологиялари ва электрон ҳужжат айланишининг қўлланиши, Интернет тармоғида ахборот ресурслари шакллантирилиши ва мунтазам янгилалиши бўйича 2010 йилгача мўлжалланган режалар тасдиқланди.

Шунингдек, «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ўтказилган вазирликлар, идоралар ва республика давлат бошқаруви органлари ахборот ресурслари (веб-сайтлар) экспертизаси натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида зикр этилган қароридан белгилаб берилган вазифалар ҳамда ахборот технологияларини қўллаш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режаларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди. «Ўзинфоком» экспертлари томонидан вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар веб-сайтларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, келгусида уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш зарурлиги таъкидланди.

(ЎЗА)

**Қисқа**

• **БУГУН** «Бўрижар» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман Кенгаши қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан «Обод уйим — обод маҳалла» лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбир юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланди.

• **БУГУН** Ал-Хоразмий маҳалласида «Камолот» ЕИХ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан «Ўз уйини ўзинг асра, ўз юртингни ўзинг ҳимоя қил» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ёшлар иштирок этишди.

• **БУГУН** «Бектемир» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Бектемир туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ёшларнинг роли хусусида фикр алмашилди.

• **БУГУН** Юнус Ражабий маҳалласида «Камолот» ЕИХ Яқкасарой туман Кенгаши ташаббуси билан «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш хусусида сўз борди.

• **БУГУН** Ибн Сино маҳалла гузаридида «Камолот» ЕИХ Шайхонтоҳур туман Кенгаши ташаббуси билан маҳалла болаларининг маданий дам олишларини таъминлаш мақсадида концерт томошалари бўлиб ўтди.


Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

*Сўқибол*

## ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ ЁХУД ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ПЛЕЙ-ОФФ БОСҚИЧИДА!

Ҳа, биз бу онларни узоқ вақт кутгандик. Очигини айтганда, 1994 йилги Осий ўйинларида қозонган ғалабамиздан сўнг футбол оламидаги энг нуфузли турнир — жаҳон чемпионатларининг финал босқичига чиқиш учун миллий терма жамоамиз бунчалик қулай имкониятга эга бўлмаганди. Гарчи, сўнги саралаш гуруҳи бахсларида турли сабабларга кўра нотекис ўйин кўрсатиб, бирорта ҳам ғалабага эришолмасдан жаҳон чемпионатида бевосита қатнашиш ҳуқуқини Жанубий Корея ҳамда Саудия Арабистони футболчиларига бериб қўйган бўлсак-да, тақдир тақозоси билан Кувайт терма жамоаси билан ўтказиладиган сўнги ўйинда ғалаба бизга плей-офф босқичи учун йўл очар, рақибларимиз учун эса дуранг натижа ҳам кифоя эди. Энг қизиғи, мазкур баҳс ҳар иккала жамоа учун ҳам бамисли «хаёт-мамонт» жанги бўлиб, иккинчи томондан терма жамоаларни эндигина бошқара бошлаган янги бош мураббийлар — Буюк Британия футбол вакили Роберт Хоуттон ҳамда руминиялик Михай Стойкица учун дастлабки, лекин жуда жиддий ва масъулиятли имтиҳон ҳам эди.

Давоми 8-бетда.



**Жаҳонда**

- Болгария парламенти социалдистлар партияси етакчиси Сергей Станишев раҳбарлигидаги сўл марказчилар ҳукумати таркибини тасдиқлади. Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби турмуш даражасини ошириш ва 2007 йилда Болгариянинг ЕИГА кириши учун ислохотларни амалга оширишни ваъда қилмоқда.
- Венесуэланиннг гарбида West Caribbean Airways авиакомпаниясига қаршли Панамадан Мартиника оролига парвоз қилаётган самолётнинг ҳалокатга учраши оқибатида 160 нафар йўловчи ҳамда экипаж аъзоларининг барчаси ҳаётдан кўз юмди.
- Бағдод шаҳри марказидаги Ал-Наҳда автобус терминалида террорчилик ҳаракатининг амалга оширилиши — иккита миналаштирилган машинаниннг портлаши натижасида камидан 31 киши ҳалок бўлди, 60 дан ортиқ йўловчилар турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

**ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР**

Бир нарсани очик айтиш керакки, айни вақтда тадбиркорларимизнинг давлат органларига бўлган ишончи янада ошди. Бевоситта палатамиз фаолиятига келадиган бўлсак, ҳар қандай вазиятда ҳам биз доимо тадбиркорлар манфаатини кўзлаб иш тутамиз. Шу боис текширувлар жараёнида ҳам уларнинг оғирини енгиллаштиришга ҳаракат қиламиз. Палатага ҳозирги кунда аъзо тадбиркорлик субъектлари бундан манфаатдор, албатта. Масалан, тадбиркор ишлаб чиқариш билан шуғуллансаю хорижий давлатдан дастгоҳ ва ускуналар келтириш истаги бўлса, бу ҳолатда у бож тўлашдан озод қилинади, яна четдан келтирилаётган маҳсулотни учун хулосани махсус комиссия қилса-да, бу ишни палата вакиллари ҳам амалга оширишлари мумкин. Аммо тадбиркор қачонки палата аъзоси бўлса...

Июнь ойида матбуотимизда кетма-кет эълон қилинган Президентимизнинг «Бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ҳамда «Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарлигини эркинлаштириш тўғрисида»-ги Фармонлари, «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликини кучайти-

риш тўғрисида»-ги Қарори юзасидан тадбиркорларимиз фикр-мулоҳазалари, муносабатларини билдирмоқдалар.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Шайхонтохур туман ҳокимлиги, кўплаб назорат органларининг масъул ходимлари ҳамда тадбиркорлар билан шу Фармонлар ва Қарор юзасидан бугунги кунгача давра суҳбатлари, семи-

булади. Юзма-юз учрашув, мулоқотлар қанчалик вақтида уюштириб турилса, муносабатларимиз фақат яхшиликка хизмат қилишига ишонаман. Ўз фаолиятим давомида кўплаб тадбиркорлар билан мулоқотда гувоҳи бўлганманки, турли аралашувлар, ўзбошимча текширувлар уларнинг бебаҳо вақтларини ўғирлаб, асабларини чок-чокидан сўкарди...

Шуни таъкидлаш ўринлики, ҳар бир

ган тарзда суд орқали ҳокимият, балки маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Бундан ташқари, агарда тадбиркорлик субъекти мажбурий тўловларини вақтида тўламаган бўлиб, етказилган зарар ўрнини маълум муддат ичида ихтиёрий равишда қоплаб берса, бундай ҳолларда тадбиркорларга нисбатан ҳам молиявий санкциялар қўлланилмайди.

Дарҳақиқат, Фармонлар ва Қарор билан танишиб, тадбиркорлар билан ўзаро мулоқотларда шу нарса аён бўлдики, ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ривожланган давлат тажрибаларига суянган ҳолда, жаҳон андозаларига мослиги билан эътиборли. Юқоридаги ҳужжатлардан руҳланган тадбиркорлар аллақачон янги иш режаларини ҳам амалга оширишни бошлаб юборишди, меҳнатга иштиёқлари, меҳрлари ошганлиги аниқ.

Етти ўлаб бир кесган ҳолда иш юритаётган тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилиш, мададкор бўлиш зарур деб ўйлайман. Нега деганда тадбиркор ўзигина бой бўлмай, яратган иш жойлари маҳалладоши, ҳамшахри, ҳамюртнинг рўзгорига ҳам қут-барака киритиши билан бирга, давлат иқтисодиётини кўтарди, юртимиз газнасига маблағ туширади, ички бозоримизни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлари билан тўлдирди, яна «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғали маҳсулотлари билан юртимизни жаҳонга танитади. Хуллас, тадбиркорлик ривожини — бу иқтисодиётимиз юксалиши ҳамда ҳалқимиз фаровонлиги омиллидир.

**Шавкат МИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Шайхонтохур тумани филиали раҳбари.

**ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ**

**Юртимиз иқтисодиёти равнақида муносиб ўринга эга бўлган, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган, фақат ўзинигина эмас, халқини ҳам бой қилишга астойдил бел боғлаган тадбиркорларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Чунки тадбиркорликни ривожлантириш, уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, шунинг баробарида ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масаласи Президентимизнинг доимий эътиборларида турганлиги ҳамда шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар тадбиркорнинг нуфузини янада оширадиган, бир имкониятига яна ўнта имкониятлар эшиги очилади-ган, Юртимизнинг қатор Фармонлари ва Қарори чиқишига замин бўлди.**

нар-йигилишлар, учрашув ва анжуманлар ўтказилиб, уларда, тадбиркорларимиз ва мутахассислар томонидан кўплаб чуқур мулоҳазали фикрлар, ўринли таклифлар билдирилмоқда. Шу билан бирга, ўз навбатида тадбиркорлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига мутасаддилар изоҳида тўлақонли жавоб олишга эришмоқдалар.

Бу бежиз эмас. Маълум бўлишича, ҳали яна ўнлаб шу каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади, қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар

ишга биринчи бор қўл урилаётганда баъзан адашиш, билмаслик, тўғри тушунмаслик табиий ҳол, албатта. Бундан фойдаланган ҳолда «ичкинчи томон» «айбдорни» жавобгарликка тортмоқчи бўлишининг адолат мезонига тўғри келмаслиги хусусида барчамиз кўп ўйланганмиз, фикр ҳам юритганмиз...

Эндиликда эса тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун, агар бу қасддан қилинмаган, кам аҳамиятли бўлса, бюджетга зарар етказмаса мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгилан-

**Мамлакатимизда кун сайин қад ростлаётган иншоотлар кўркамлиги ва мустақамлиги, албатта, уларни бунёд этишда куч-ғайрат сарфлаётган қурувчиларнинг меҳнат маҳоратига ҳамда қурилиш материалларининг юксак сифатига боғлиқ.**



*Иқтисодиёт*



**ҲАР БИР ИНШООТДА ҲИССАЛАРИ БОР**

Ана шундай бунёдкорлик кўламининг ортишида, мустақам биналор замонавий йўл ва кўприкларнинг қад ростлашида 12 турдаги сифатли қурилиш маҳсулотлари билан ҳисса қўшаётган «Норуда» акциядорлик жамияти жамоаси ҳам Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини ўзига хос меҳнат ютуқлари билан қутиб олмақда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг ортишида бозор талаблари асосида иш юритиш, замонавий дастгоҳлар қувватидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхонанинг бунёдкорлик ишлари кўлами ортишига қўшаётган ҳиссасини шундан ҳам сезиш мумкинки, йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш дастурига кўра сезиларли ўзгаришлар бўлмоқда. Масалан, 2003 йилда 400 минг куб метр, 2004 йилда 1 миллион куб метр маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилган бўлса, жорий йилда эса ушбу рақамни 1 миллион 200 минг куб метрга етказиш кўзда тутилган. Корхона тадбиркорлари тайёрлаётган норуда маҳсулотларига қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Жорий йилда корхона цехларида дастгоҳ ва ускуналарни қайта таъмирлашга, янгилари билан алмаштиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Яқинда «Титан» тош майдалагич дастгоҳи ва «Либхер» экскаватори жамоа аҳлининг яқин кўмакчасига айланди. Шунингдек, Германиядан келтирилиши мўлжалланаётган юксак умумли юк ортиш мосламалари ҳам буюртмаларнинг тез ва соз бажарилишида муҳим аҳамият касб этади. Негаки, замонавий техника ва технологиялар шарофати меҳнат

унумдорлигида яққол аксини топмоқда.

— Юртимизда қад ростлаётган ҳар бир иншоотга ўз ҳиссамизни қўшиш ниятида меҳнат қилаёلمиз, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Рауфхон Шарипов. — Маҳсулотларимиз бугунги кун талабига жавоб беришни таъминлаш учун цехларимизни қайта жиҳозлашга, ускуналарни таъмирлашга эътибор қаратаёلمиз. Энг муҳими эса 370 дан зиёд жамоа аҳлига меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини яратаямиз. Ишчиларимизни моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш ҳамisha эътиборимизда. Шунинг баробарида корхонамиз ҳудуди ободонлиги ва кўккаламзорлигига ҳам муҳим аҳамият қаратамизки, бу ҳар бир ходимнинг кайфиятига самарали таъсир кўрсатади.

Корхона илғорлари хусусида гап кетганда, жамоада баракани таъминлашга, сифатли маҳсулот тайёрлашга сидқидилдан ёндашаётган Унирбой Кайназаров, Абдумажид Нортоев, Тоир Рўзиматов, Фотиҳ Калинулин, Нуржон Қидирбоев, Али Қунаков сингари заҳматкашларнинг номларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Улар ҳамisha техника қувватидан, вақтдан ва ўз имкониятларидан оқилона фойдаланадилар, корхонадаги ҳар бир мулк ўзлариники эканлигини яхши англайдилар.

Энг азият, энг улғу байрамимиз арафасида ҳам корхонада иш қизгин. Шодибнани ўзига хос меҳнат ютуқлари билан қутиб олишга интилаётган «Но-



руда»чилар маҳсулотларни кетма-кет буюртмачиларга — қурилиш объектларига жўнатишмоқда. Ҳа, ўз меҳнатлари билан юрт ободлиги, аҳоли фаровонлигини таъминлашга бел боғлаган корхона тадбиркорларининг олдинда ҳали режалари бисёр. Бу эзгу ниятлар уларни яхшиликка, янгиликка, ташаббусга ундамоқда. Зеро, янгилик ва интилиш бор жойда ютуқларга ҳам эришилаверади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**  
Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

Сайл қатнашчилари ўз миллий куй ва кўшиқлари, рақслари билан бир қаторда ўзбекча оҳангларга ҳам муурожаат қиладилар. Кўпчилик ўзбек мақомининг энг баланд авлалари ҳам қўйилмақом қилиб ихро этаётган корей кизи ёки "Анджидон полка"си рақсидан пошнашдан ўт чақнаётган арман йигитлари эканликларини ҳам пайқамай қоладилар. Ушбу лаҳзаларни қайта-қайта дилдан ўтказар экансиз, ижродаги бу табиийлик фақатгина истеъдод ва маҳорат мевасигина эмас, балки ҳаваскор санъаткорларнинг яшаётган ўлкаси, Ватани билан том матнода ҳамнафаслиги, таъбир жоиз бўлса, бир диёр фарзандлари киндигининг ягоналиги учун ҳамлигига йймон келтирмаслигинингизнинг илоҳи йўқ.

Мамлакатимиз аҳолисининг бешдан бир қисмини ташкил этадиган, 130 дан ортиқ миллат ва эллатга мансуб бу фуқароларимизнинг "Ўзбекистон — умумий уйимиз", дея баралла эътироф этишлари асло баландларовоз гаплар эмас, балки кўп йиллар давомидаги биргаликдаги аҳил ва иноқ ҳаёт, юртига самий меҳр-муҳаббат, садоқат туйғулларининг ифодасидир.

Давлатга ном берадиган туб миллат ватандошлари учун чинакамга ака ва ука, опа ва сингил бўлсагина бошқалар ҳам унга эл бўлади. Узоқ ўтмиш ҳам, кечаги кун ва бугунги воқелик ҳам худди шундай бағрикенглик, инсоний меҳрибонлик, ўзгалар қайғусига шерик бўлиш, оқийқўнгиллик, меҳмондўстлик, самимиёт ўзбекча хос энг олижаноб фазилатлар эканлигидан шоҳидлик бериб турибди.

Ватанидан жудо бўлганлар, бадарга қўлинганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳамма вақт диёримиздан бошпана топганлар, ўзбекларнинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар. Бунан Ўзбекистонни "азиз оғам" деб улуғлаган атоқли, белорус шоири Якуб Колас шундай ифода этган эди:

**Муддиш уруш ҳамла қилган он  
Бизни олдинг қайноқ бағринга.  
Ўзбек билан туриб ёнма-ён,  
Бўйсунмадик аянч тақдирга.**

**Ҳамдам бўлиб куйладик кўшиқ,  
Ёвни бирга айладик яксон.  
Далда бердинг,**

**меҳрингни кўшиб,  
Азиз оғам, жон Ўзбекистон!**  
Ҳақиқатан ҳам иккинчи жаҳон урушининг ўша ўта оғир, етишмовчилик йилларида миллатдошларимиз ўзлари емаса, болаларига едириб-ичирмаса ҳам бегона, лекин ёрдамга муҳтожлар олдиға топган-тутганларини қўйдилар. Уруш қурбонлари — етим болалар ўзбек оилаларида янги ота-оналар орттирдилар, улуғ шоиримиз Фафур Гулом айтганидек, бу падарлар "Сен етим эмассан", дея уларни бағрига олиб, меҳрларига қондирдилар. Биргина бу етимлар эмас, қатагон йилларида ўз туғилган юртларидан қувилган бутун-бутун халқлар ҳам Ўзбекистондан бошпана топиб, илиқлик ва самимиёт билан кутиб олиндилар, ёрдам ва мадддан баҳраманд бўлдилар.

Ватанимиз тарихи ана шундай саҳифаларга бой эканлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айни вақтда айрим ўзини "маърифатли", "маданый" ҳисоблаган мамлакатларда миллий мождорлар алангаси ўт олиб, ўзгаларни таҳқирлаш, қувғин қилишдек шармандали кўринишлар содир бўлганлигини ёдга олсак, халқимизнинг бу кенг феъллигидан янада гурурланамиз.

Тарих тақозоси билан таркиби ва мазмуни жиҳатидан турли миллатлар ва эллатлардан ташкил топган жамиятимизда республикамиз фуқароларининг тенг ҳуқуқлиги қонуний асосда мустаҳкамлаб қўйилган. "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", дейилди Конституцияимизда.

Жаҳон тақрибасида кўп миллатлилик давлатларнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишиға самарали таъсир кўрсатуви қудратли омили бўлиши мумкинлигиға мисоллар бисёр. Бу аса энг аввало, жамиятдаги ана шу миллатлар ва эллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда уйғунликка эришишға боғлиқдир.

Шу билан бирга этник гуруҳлар ва ирқлар

ўртасидаги муаммоларни ҳал этишға етарлича эътибор бермаслик оқибатлари аянчи бўлиши мумкинлигиға яқин ўтмиш ҳам, бугунги воқелик ҳам ғувоҳлик беради. Собиқ Югославиядаги, Кавказдаги, бошқа минтақалардаги ҳаммага маълум воқеалар бунга мисолдир.

Миллий уйғониш, миллий ўзликни англаш нияятда кучайган бугунги кунда ушбу масала тобора катта аҳамият касб этмоқда. Яхши маълумки, дунё сиёсий харитасида хозирги пайтда 200 га яқин давлат бўлганлиги ҳолда сайёраимизда этник гуруҳлар бундан саккиз баравардан кўпроқчи ташкил этади. Шунинг учун мамлакатларнинг кўп миллатли ва кўп тилли бўлиши объектив ҳолдир.

Собиқ шўролар даврида теран миллий кадриятлар, миллий ўзига ҳослик, аъналар писанд қилинмас, камситиларди. Бунинг устиға турли миллат ва эллатларни байналмилаллаштириш, "ягона халқ бирлиги"ни шакллантиришға астойдил зўр бериларди.

Тарих бу сунъий жараён бўлганлигини исботлади. Чунки, ҳар бир миллат ёки элат бевосита худди ана шу ўзига ҳослиги, тили, маданияти, урф-одатлари билан бутун инсониятнинг бойлигидир. Ана шу бетакрорликнинг йўқотилиши умуман жаҳон цивилизациясининг кемтик бўлиб қолиши, қашшоқ-

**Ҳар галги Мустақиллик кунда пойтахтнинг Бобур номидаги боғда республика Байналмилал маданый маркази жамоаларининг сайлини ўтказиш аянча айланган. Бу ерда тожик наволарининг рус частушаларига, қирғиз оқинларининг грузин лезгинкасиға ҳамоҳанглиги миллатлар ва эллатлар маданиятларининг бетакрорлиги ва камалакдек сержиллиги уйғунлашиб кетганлигининг ёркин кўринишидек гавдаланади.**

*Мустақиллик — энг улғу нобат*

## МИЛЛАТЛАР ТОТУВЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

ланишиға олиб келиши ҳам жуда яхши аён. Мустақиллик шарофати билан миллий ўзлигини англаш, маънавий қайта тикланишнинг ўсиши билан бир қаторда бошқа миллат ва эллатларға уларнинг маданияти, аъналарига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлишға эътибор янада ортди. Асосий қонуимизда ҳам бу ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаиб қўйилганлиги ана шуларнинг исботи-



дир. Конституцияимизда қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънаалари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади".

Кўп жиҳатдан бу сиёсат шарофати туйфайли мураккаб ўтиш даврининг ҳамма машаққат ва зиддиятларига қарамасдан турли миллатли жамиятимизнинг ягона оиласи аҳиллиги ва иноқлигиға асло раҳна тушмади. Республикада ўзға миллатта мансублиги сабабли на маънавий, на бошқача таъйиқ ўтказилмади, давлат тилини жорий этишда шошма-шошарлик, камситишларға йўл қўйилмади.

1989 йилдаёқ Ўзбекистонда миллий-маданый марказларнинг ташкил этишға киришилганлиги бағрикенгликнинг энг муҳим кўриниши бўлди. Бугунги кунда уларнинг сони 138 таға етган. Улар ўз мақомиға кўра республика, вилоят, шаҳар, туман миллий-маданый марказлардир.

Ўз миллатлари ва эллатлари тарихини ўрганиш, она тили ва азуви, адабиёти, оғзаки ижоди, санъати, спорти, хунармандчилиги, урф-одатларини ривожлантириш бу марказларнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисоб-



ланади. Ўзбекистонда олий, ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларда миллий давлат тили билан бир қаторда рус ҳамда тожик, қозоқ, қирғиз, туркман тилларида машғулотлар олиб бориларди. Тошкент Давлат педагогика университетидеги корей тили бўлими ташкил этилган. Озарбойжон ва арман, яҳудий ва грек, немис ва поляк тилларида синфлар, яқшанба мактаблари ва лицейлари ташкил этилган.

Жамиятимизда бағрикенгликни республикамизда 15 диний конфессия вакиллари иноқликда яшаётганликлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Юртимиздаги мактилар билан бирға православ собори ва церковлари, костел, синагоға, кирхалар бирор чеклашларсиз фаолият кўрсатаётганликлари эътиқод эркинлигининг яқоқ далолатидир.

Шу билан бирға турли миллат ва эллатлар вакиллари ўзларининг миллий ва диний — Пасха ва Сабантуй, Ханук ва Тушоқес, Охи, бошқа байрамларни шоду-хуррамлик билан нишонлайдилар. Айни вақтда Мустақиллик куну ва Наврўз улар учун ҳам энг улғу ва азиз байрамдир. Зеро, улар ўзларини шу юртнинг фарзандлари, Ўзбекистонни умумий уйлари, деб биладилар. Нафақат биладилар, балки Ватанлари равнақи учун куч-ғайратлари, билим ва тажрибалари, истеъдод ва маҳоратларини аямайдилар.

Диёримизда мустақиллик учун курашган миллатдошларимиз сафида бўлган Аҳмад Закий Валидий, пахта миршқори ҳисобланган Ким Пен Ха, боғдорчилик пири Рихард Шредер, мўъжизакор санъаткор Тамарахоним, истеъдодли меймор Митхат Булатов, биринчи халқ чолғу асбоблари оркестри асосчиси Ашот Петросяң, она-юрт куйчиси рассом Улро Тансиқбоев, минглаб етимларға оналик қилган А.Хлебушкни ва бошқа ўнлаб, ўнлаб фидойиларни халқимиз жуда яхши билади ва ҳурмат ила хотирлайди.

Бугунги кунда ҳам илм-фан тараққиетиға салмоқли хисса қўшаётган коинотшунос олим Шавкат Воҳидов, тарихчи Эдвард Ртвеладзе, Афина Олимпиадаси чемпиони Александр Доктуришвили ва кўллаб биз атайлаб миллатини санаб ўтмаган бошқалар давлатимиз, халқимиз ифтихорлари ҳисобланадилар. Мамлакат шухрати ва нуфузини оширишға қўшган буюк ҳиссалари учун "Ўзбекистон қаҳрамони" олий унвонига сазовор бўлган 53 ватандошимизнинг 11 нафари, "Буюк хизматлари учун" орден 67 нишондорининг 13 нафари турли миллат вакиллари эканлиги улар хизматларига берилган муносиб баҳодир.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли таркиби жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданый-маънавий жиҳатдан ислоҳ қилиш, янгилаш ва ўзгартиришда ижобий, қудратли роль ўйнамоқда. Шунинг учун ҳам "Халқнинг бирлиги, жиқслиги ва осойишталиги ҳақида гапирар эканмиз, — дейди Президентимиз Ислам Каримов, — бу бизнинг бебаҳо бойлигимиз, дея таъкидлаймиз".

Ёркин ЭРНАЗАРОВ

### Маълум

## ШИНАМ ХОНАГА АЙЛАНДИ

Янги ўқув йилиға пойтахтимиздаги мактабларда катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳамза туманидаги 230-мактаб педагогик жамоаси ҳам биринчи сентябрни ёруғ юз билан кутиб олмоқда.

Билим ўчоғининг "Маънавият ва маърифат" хонаси намунали жиҳозланди. Чинакам билим ва маънавият кўзгусига айланган бу хонани таъмирлашда ота-оналар ва жамоатчилик ҳам яқиндан ёрдам берди. "ЎзДЭУавто"нинг машиналарни созлаш салони кўмагида хона деворлари сифатли қилиб бўялди. Зеро, ана шу салонға мактабнинг собиқ ўқувчиси Собир Муҳаммаджонов раҳбарлик қилмоқда. Билим даргоҳининг меҳри уни хайрли ишға ундади.

### КИЧИК АКАДЕМИЯ ТАДҚИКОТЛАРИ

## ТАДҚИКОТЛАРИ

Ўқувчи ёшлар учун билим, изланиш ва маҳорат марказиға айланиб қолган кичик академиялар фаолияти самарали бўлмоқда. Республика нафис санъат лицейида ташкил топган кичик академия ҳам кўпгина ёш истеъдодларни ўз атрофиға бирлаштирган.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети "Табиий фанлар" факультетининг "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси томонидан ортилақча олинган бу академия тадқиқотлари ўз ижобий натижасини бера бошлади.

"Фаргона водийси туристлар нигоҳида" деб номланган кичик тадқиқот эса ўқувчиларнинг энг яхши илмий изланишларидан бири деб топилди.

Акбар АЛИЕВ

## БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

Жорий йилда Тошкент телеминорасининг бунёд этилганлиги 20 йил тўлади. Шу боис ҳам мазкур юбилей санасини муносиб қаршлашға ҳаракат қилинмоқда.

Бутунжаҳон буюк миноралар жамиятиға аъзо телеминорада Истиклолнинг 14 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида бунёдкорлик ишлари амалға оширилмоқда. Бунёдкорлар миноранинг иккинчи қаватиға кириш мажмуаси қурилишини охириға етказиш арафасида туришибди. Телеминораға кирувчи томошабинларға қудайлик яратиш мақсадида қурувчилар томонидан махсус ёпиқ йўлак барпо этилмоқда.

Дилором ДЎСТМУҲАМЕДОВА

**ҲИСОБОТЛАР  
ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ  
ТОПШИРИЛАДИ**

Ўзбекистонда шу йилдан бошлаб солиқ идоралари электрон ҳужжат айланмаси воситасида ҳисоботлар қабул қилишга киришади.

Маълумотларга қараганда бу тартибда электрон кўринишда солиқ тўловчилар ҳисоботлари тузилади ва электрон алоқа воситасида белгиланган муддатда ҳужалик субъекти рўйхатдан ўтказилган ҳудуддаги солиқ инспекциясига жўнатилади. Электрон кўринишда тузилган ва электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатлар инспекцияга солиқ тўловчининг ўзи томонидан ёки унинг ахборот воситачиси орқали жўнатилиши мумкин. Бунда Давлат солиқ кўмитасига беvosита ошкора тартибда ва почта алоқаси воситасида ҳисоботларни тақдим этишнинг амалдаги шакллари сақланади. Электрон кўринишда ҳисоботлар тақдим этувчи тадбиркорлар мазкур ҳисоботларнинг қозғоғдаги нуҳсаларни тузиши мажбурий эмас. Шунингдек ҳисоботларни тақдим этиш тартиби солиқ тўловчининг ихтиёрига кўра белгиланади.

Солиқ маъмурчилигига қўшимча тариқасида "Давлат солиқ хизматлари идоралари томонидан молиявий ҳисоботлар, даромадлар, декларациялар ва мажбурий тўловлар тўғрисидаги, солиқлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ёзма аризаси ва хабарларини қабул қилиш ҳамда рўйхатга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги идоровий қарор киритилган. Ҳужжат Ўзбекистон Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. "Электрон ҳужжат айланмаси тўғрисида" ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунлар қоидада ҳисобга олинган.

Бунда солиқ тўловчи тақдим этадиган молиявий ҳисобот шакллари, уларни тузиш муддати ва тартиблари Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Аини пайтда Давлат солиқ кўмитаси бўлимларида ҳисоботларни қабул қилиш секторлари фаолиятининг шартларини ташкил этиш бўйича ишлар ажунланмоқда. Жумладан, алоҳида электрон манзиллар билан электрон ҳужжатларни қабул қиладиган компютерлар ўрнатилмоқда. Мазкур компютерлар инспекциянинг локал тармоғига уланishi лозим.

Тез орада солиқ тўловчининг интернет орқали ўз солиқ ҳисоботларини тақдим этиши ва ҳисоб-китобларни солиқ идораларига бормасдан туриб амалга ошириши мумкинлиги кутилмоқда. Бундан ташқари улар офисдан чиқмай туриб, Давлат солиқ инспекцияларида олиб борилмайдиган ўз шахсий ҳисобларини кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ идоралари томонидан мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган 500 мингдан зиёд ҳужалик субъектлари рўйхатга олинган.

“Туркистон-пресс”

—**Бўритош Мустафоевич, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишдан қандай мақсадлар кўзда тутилган ва тизимни либераллаштириш жараёнида қандай натижаларга эришилди?**

—Аввало шуни ишонч билан қайд этиш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик тамойилларга мос одил судлов тизими яратилди. Ҳақиқатан ҳам суд яқин ўтмишда собиқ коммунистик тузумнинг қатағон ва жазо куроли ҳисобланган бўлса, эндиликда у бошқичма-бошқич ҳокимиятнинг чинакам мустақил, нуфузли, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда муҳофаза эта оладиган институтига айланиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Яна бир муҳим жиҳат - фуқароларимизнинг ҳам суд ҳокимиятига нисбатан ишончсизлиги барҳам топмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси ва раҳнамоллигида тадрижий асосда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасидир.

1993 йилда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги дастлабки қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошқоралик каби бир қатор умумэтироф этилган принциплар мустаҳкамлаб қўйилган эди. Улар кейинчалик Жинойи-ий-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодексларида ва бошқа қонун ҳужжатларида янада кенг акс этди. Ислохот давомида қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида», «Адвокатура тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида» каби қонунлар фуқаролар, юридик шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтириш билан бирга, бутун суд тизимини демократлаштиришга кўмаклашди.

Янги тахрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун жорий этилган ўзгаришларнинг барча ижобий таъбирасини ўзида қамраб олди. Бу билан судлар фаолиятини янада демократлаштириш ва тақомиллаштириш учун қулай имкониятлар, кенг шарт-шароит яратилди. Энг муҳими, қонунда ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини рўёбга чиқариш ва ҳокимиятнинг чинакам мустақил тармоғи сифатида суд эркинлигини таъминлашнинг самарали механизмлари ўз аксини топган.

Айтайлик, илгари адлия вазири зиммасига юклатилган судьяларни лавозимга тайинлаш учун тақдимнома киритиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан олдин бекор қилиш каби ишлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги олий малага комиссияси вазифасига кирради. Судьялик лавозимига номзодларни муқобиллик асосида кўриб чиқиш билан шуғулланадиган ушбу ҳолис комиссия таркибиде обрў-эътиборли ва таъбирибали судьялар, Олий Мажлис депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва нодавлат ташкилотлар вакиллари бор.

Қонунда, шунингдек, умумий

юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилган, жиноят, фуқаролик ва ҳужалик ишлари бўйича мустақил судларни ташкил этиш механизми белгиланган, судьяларни ихтисослаштириш кўзда тутилган. Ўз навбатида, буларнинг барчаси кўрилаётган ишларнинг сифатини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларининг янада кучайишига хизмат қилмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасида алоҳида ўрин тутадиган мазкур қонунга мувофиқ, жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчиликка зарур ўзгартиш ва қўшимчалар ки-

ҳим кафолатлари, демакдир.

—**Бўритош Мустафоевич, давлатимиз раҳбарининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ҳаётбахш ислохотнинг амалдаги босқичида кенг татбиқ этиладиган муҳим қоидалар ҳақида ўзлаб берсангиз.**

— Аввало, бу масала инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ конституциявий нормалар нуктаи назаридан келиб чиқиб ёндашишни тақозо этади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг эркинлик ва шахсий дахл-

нинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини таъминлаш, процессуал мажбуриятларини кўллаш тартибини белгилаш, хусусан, қамоққа олиш чорасини қўллаш соҳаларини чеклаш, дастлабки тергов муддатларини камайитириш ва судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатларини аниқлаштиришга доир қоидалари, ҳеч шубҳасиз, айбланувчи ёки гумондорнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқни таъминланишига кафолатдир.

Сир эмас, қамоққа олиш, вақтинча қўлга олиш, кишига кучли руҳий таъсир кўрсатади, унинг эркинлиги чеклаб қўяди. У процессуал мажбуриятнинг энг радикал чора-

шқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган киши муайян муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга.

— **Президент Фармонида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йилнинг 1 январидан судларга ўтказилиши белгиланганининг сабабларини изоҳлаб берсангиз?**

— Авваламбор, бу тадбир бир қатор тартиб-ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилиши тақозо этади. Жумладан, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар

дир этилган ва уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган жиноятлар ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ва беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланадиган жиноятлар учун эҳтиёт чораси сифатида қўланади.

Шу билан бирга, Фармонда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланганига эътиборингизни қаратишни истардим. Қамоққа олиш тўғрисидаги қарорлар фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар томонидан чиқарилади.

—**Президентимиз Фармони талабларини рўёбга чиқариш борасида Адлия вазирлиги зиммасига қандай вазифалар юклатилган?**

— Тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда вазирлигимизга уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари, «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларига қамоққа олишга санкция бериш, қамоққа сақлаш муддатларини узайтириш тартиби ва жараёнларини белгиловчи, шунингдек, судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча кафолатларни белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар тайёрлаш вазифаси топширилган.

Наинки қонунлар ва қонуности ҳужжатларини, балки идоровий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган норма ва нормативларни ҳам қайта кўриб чиқиш даркор. Бундан ташқари, судьялар ва прокуратура органлари, ИИБ ва МХХ тергов бўлимлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак бўлади.

Бугунги кунда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Концепцияси яратилди. Бу ҳужжатни тайёрлаш, муҳокамаларни ташкил этиш ва қўриб чиқишга тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик қизмати, Ички ишлар вазирлиги вакилларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилган.

Президентимиз Фармонини ҳаётга татбиқ этиш жараёни бошланди, у режа асосида, босқичма-босқич олиб борилаётир. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, бу янгиланишлардан қўзланган асосий мақсад — Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг, ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган бутун халқимизнинг фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

**ЎЗА МУХБИРЛАРИ  
А.ИВАНОВА, Ф.МИРЗО  
СУХБАТЛАШДИ.**

*Иштироқий*

**“ПОКИЗА” —  
ТОЗАЛИККА  
ГАРОВ**

Изланиш бор корхонада янгиланиш ҳам, барака ҳам бўлади. Унинг самараси эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларида, бозордаги муҳим ўрнида яққол акс этади.

“Прогресс” хусусий корхонасининг 8 нафар ходими меҳнатлари билан чиқарилаётган “Покиза” деб номланган ювиш ва тозалаш воситаларининг 4 хил тури харидорларга етказиб берилмоқда. Хонадон бекаларига энг яқин кўмакчи бўлган ушбу маҳсулотлар маҳаллий, яъни иккиламчи хом ашёдан тайёрланиб, инсон саломатлигига ҳеч қандай зарари йўқ.

— Бозорни ва харидор талабини ўрганиш асосида иш юритиб, — дейди корхонанинг тадбиркор раҳбари Собиржон Рахимов, — янги маҳсулот турларини яратишга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳаракат қилямиз. Ана шунинг натижасида яқинда “Покиза-антизанг” деб номланган янги маҳсулотимизни чиқардик. Ушбу ювиш воситаси бемалол четдан келтириладиган ана шундай маҳсулот ўрнини босиши барибаради, улардан бирмунча арзондир. У зангларни кетказишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, тадбиркорлар йил охиригача гел, оқартирувчи ювиш воситаси ҳамда канализациядаги турли қўйқаларни тозаловчи маҳсулот ишлаб чиқаришни режалашган. Ҳозирда корхонада Россиядан келтирилган кир ювиш воситасини ҳам қадоклаш йўлга қўйилди.

**ПИШИҚ-ПУХТА  
ВА АРЗОН**

Табиий чармдан тайёрланган пойабзаллар чидамиллиги билан ажralиб туради ҳамда оёқларининг соғлом бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам шахримиздаги “VISO” қўшма корхонасининг турли моделдаги оёқ кийимлари ўз харидорини топмоқда. Бунинг асосий боиси фақат тоза чармдан тайёрланишигина эмас, балки харидор дид ва талабининг эътиборга олиниши, шу асосда модельер конструкторларнинг излашилари самарасидир.

Корхона тадбиркорлари пойтахтимизда ўтказиладиган ҳар бир кўргазма ва савдо ярмаркаларида иштирок этар эканлар, харидор таклиф ва мулоҳазаларига эътибор қаратадилар. Махсус оёқ кийимлари учун ихтисослашган корхонада буюртмалар сифатли ва вақтида бажарилиши барибаради аҳоли учун мавсумбон пойабзаллар турларини яратишга эътибор кучли.

Пойабзалларни тайёрлашда асосан маҳаллий хом ашё — тоза табиий чармдан фойдаланилиб, у Андижон, Кўқон ва Сурхондарёдаги чарм ишлаб чиқарувчи корхоналардан келтирилади. Ҳозирги кунга 70 хил моделдаги оёқ кийим турлари яратилди. Жорий йил ёз мавсумида эса 5-6 хилдаги эркаклар пойабзали ишлаб чиқарилиди. Маҳсулотлар буюртмачиларга етказиб берилиши барибаради корхона қошидаги фирма дўкони ҳамда пойтахтимиздаги йирик савдо шохобчаларида сотилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

**СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА  
ЯНГИ ҚАДАМ**

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ инсон манфаатлари, жамиятимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш учун гамхўрлик Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсатда устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамоллигида мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий дaт, куч фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг жорий йилнинг 1 августиде қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлидаги босқичма-босқич ислохотнинг яққол самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони бу йўлдаги яна бир янги қадам бўлиб, ушбу дастурий ҳужжат инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жинойи таъбиқ ва хусусий ҳаётга аралаштидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ билан Фармоннинг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, унда белгиланган вазифаларнинг ижроси хусусида суҳбатлашдик.

ритилди. Суд йўл қўйган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилаётган самарали чора - ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилди. Эндиликда апелляция инстанциясидаги суд қўйи судга ишни қайта кўриш учун юрборм, балки унинг моҳияти бўйича кўриб чиқиш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, ўтган даврда кассация инстанцияси ҳам ислоҳ қилинди. Айтайлик, фуқаро қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Бунда айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий тенглиги принциплал жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда эътиборингизни яна бир масалга қаратишни истардим: суд қароридан норози бўлган фуқаролар ўз ҳуқуқларини апелляция ёхуд кассация тартибиде муҳофаза қилиш ҳуқуқини ихтиёрий равишда танлайдилар.

Қисқаси, суд тизими ислохотининг ҳозирги босқичида ишларни судларда кўриб чиқишнинг имкон қадар мукамал процессуал тартиби, суд соҳаси кадрларини танлаш ва тайинлашнинг нисбатан самарали тизими ва ниҳоят, суд жараёни иштирокчиларининг тенглиги тамойили амал қилиши таъминланмоқда. Буларнинг барчаси — фуқароларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг му-

сизлик, шаъни ва обрўсига қўйилган таъвозулардан, шахсий ҳаётига аралаштидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги, эътиқод ва виждон эркинлиги каби умумэтироф этилган ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияимизнинг 25, 26 ва 27-моддаларига кўра, ҳеч қим қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоққа сақланиши мумкин эмас. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда, ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилган ҳолда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Ҳеч қим қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сириини ошқор қилиши мумкин эмас.

1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексиде ана шу конституциявий қоидаларни рўёбга чиқаришга қаратилган нормаларга кенг ўрин берилди. 2001 йили «Жинойи жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинган ҳам муҳим қадам бўлди. Ушбу қонуннинг суд жараёнида айблов билан ҳимоя-

си ҳисобланади. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш учун қарор қабул қилишда айни шу жиҳатлар инобатга олинган. Бу фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик каби конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, шунингдек, судларнинг нуфузини қатъий ошириш учун шароит яратади. Дастлабки тергов ёки суриштирув босқичида суд назоратининг таъминланиши эвазига дастлабки тергов иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари тизими тубдан ўзгаришга юз тутди. Ўз навбатида, суд мустақил орган сифатида бундай чорани қўллаш эҳтимолини баҳолашга ҳолислик билан ёндашмоғи лозим.

Бундан ташқари, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига тўлиқ мос келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси резолюциясида мувофиқ 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 9-моддасига кўра, ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч қим қонун билан белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Жинойи айблов билан қамоққа олинган ёки ҳибсда ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бо-

киритилганидан кейин қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш мумкин. Ушбу чорани қўллашнинг мулақо янгина тартиблари ишлаб чиқилиши даркор. Бу соҳадаги хорижий таъбирибани ҳам ўрганиш, унинг Ўзбекистон учун маъбул, ижобий жиҳатларини аниқлаш керак бўлади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, Президентимиз Фармонига мувофиқ, алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади, унда мазкур механизм пухта ўйланган, жиноят процесси ҳар қайси иштирокчисининг ўрни аниқ белгиланган бўлиши даркор.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга тайёргарлик жараёнининг кейинги босқичи суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрлари тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан иборат. Бунинг учун махсус ўқув материаллари ва қўлланмалар ишлаб чиқиш, дастур тайёрлаш ва ўқув ишларини ташкил этиш зарур.

— **Судлар қандай асосларга таянган ҳолда қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин?**

— Бундай асослар Жиноят-процессуал кодексининг 236 ва 242-моддаларида кўзда тутилган. Айбланувчи, судланувчи суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниши мумкинлигига оид асосли таҳмин ҳам шундай қарор чиқаришга туртки бўла олади. Қамоққа олиш чораси одатда қасддан со-

# Оила даврасида сўхбатлар

Хаётда ҳар кимнинг тушунчаси, дунё-қараши турлича албатта. Гоҳида ёнимиздаги дўстимиз ёки қўшимиз, қариндошимизнинг оиласидаги баъзи келишмовчиликлар, тушунмовчиликларни эшитиб ўзимизча энгил хулоса чиқаришга уринамиз. Лекин хаёт мураккаб. Доноси-мандларимизнинг "Қарс икки қўлдан" деган нақли бежиз айтилмаган.

Қиз бола бировнинг хасми, дейдилар. У бегона бир оилга бориб шу уйнинг барча тартиб-қоидаларига амал қилиши, турмушнинг "мушт"лари-га, иқир-чиқир майда гапларига биров чидашига тўри келади. Афсуски баъзида ёш оилаларнинг ажралиш ҳолатларини эшитиб қолганимизда беихтиёр ачинганимиздан "Нима сабаб билан ажралишяпти?" деб сўраймиз. Сабабини эшитганда эса юз чандон хайратга тушамиз. Бу қаторлаштириб айтилган баҳораларни, бир-бирларини тупроқ билан тенг қилиб ҳақоратлашларига нима дейиш мумкин?

Яқинда Ҳалимаҳон деган қўшим билан учрашиб сўхбатлашиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ёлғиз қизи Дурдонанинг ҳам аҳволларини сўрадим. Қўшимнинг ичи тўлиб турган эканим, бирдан дарди-ҳасратини очиб қолди.

— Вой, сиз сўраманг, мен айтмай, - деб фийғони охири билан Ҳалимаҳон. Дурдонани биласиз, беками кўст қилиб узатганми. Тўйнинг қанақа ўтганига гувоҳсиз. Хайитида қилган нарсаларимни кўрганларнинг

оғзи ланг очилиб қолувдига, тўғрими. Болам бояқшининг ҳеч қўли юмушдан бўшамайди. Кекса қайнота-қайнонага қарашдан ортмади. Учта фарзанди билан уларга қўл бўлди-қолди. Болалари ҳали ёш. Қўйналиб кетди, болам. Куёвимнинг иши йўқ. Ҳам болага қараш, ҳам қайнота-қайнона, уй юмушлари ўзига қўлиб кетган. Ҳеч ким унга қарашай демайди, ачинмайди. Қарасам, қундан кунга озиб, ахвол бир ҳолатда бўлиб қолди. Ҳар доим уйга кел, болаларинг билан, озгина туриб дам ол, даволан деб айтсам, нима дейди денг.

## Хайт сабоқлари

### САБР ТАГИ ОЛТИН

Мен бўлмасам қайнота-қайнонамга, эримга қарайдиган одам йўқ. Улар қўйналиб қолишади, дейди-я. Вой, мени эмас, ўша қайнота-қайнонасини, эрини дейди, шуларни ўйлайди-я. Шундай жажлим чиқиб юривди. Бир келганда қайтиб юборамдим. Куёвим келиб олиб кетмокчидай, роса олдимга олиб гапириб туришдим. Қизимнинг соғлигини ўйламайсизлар, сизларга хизматкор керак экан. Менга болам керак, сиз хотинга қарашни билмас экансиз, сизнинг қурбингиз етмас эзим уни парварши қиламан, - дедим. Шундан кейин, куёвим ҳар ҳафтада болаларини кўргани келиб турди. Ва бир неча бор уларни олиб кетмокчилигини айтди. Мен йўл қўймадим. Бора-бора ойда бир келадиган бўлиб қолди, энди эса умуман келмаяпти. Бу кўшқасини толиб олган, биланам. Қизим шўрликнинг кўзи қўнада. Барибир шу курумсоқ, бўшанг эрини яхши кўради. Тунов куни менга нима дейди денг. Сиз мени бахтсиз қилдингиз, бинойидек яшаб турган ширингина оиламдан жудо қилдингиз, энди ўзингиз мени болаларим билан уйимга олиб бориб қўйинг, дейди. Вой бу

гапига қандай чидайман-а, қандай чидайман. Ўзининг қадрини билмаган хотин бу. Ахир хотин, бола-чака керак бўлса, эри ўзи келиб олиб кетсин, мен ўзимни ҳам, қизимни ҳам оёқ ости қилиб қўйдирмайман. Отаси ҳам, шу фикрдалар. Мард бўлса келсин ўзи, нега мен ялғини қизимни олиб борарканман. Бо Худо, йигит зотиға киргин келмаган. Бу ҳам бошқасини толиб турмушга чиқар.

Қўшимнинг астойдил қуюниб гапирган гапларини эшитиб ниҳоятда асабийлашдим, ҳам қизи Дурдонага ва унинг учта гўдак болаларига ачиндим. Ҳалимаҳонни юпатиб, унга аста тушунтиришга уриндим. Хали ҳам кеч эмас, бир йилдан буён бекор олиб ўтирибсиз, иссиқ ўрнини совутиб. Қизингизни ўзингиз олиб бориб қўйинг, ахир болаларини тирик етим қилманг. Оилаларида ажралишга сабаб бўладиган катта бир жанжал бўлмаган бўлса, деб шунча маслаҳат берсамда, минг афсус Ҳалимаҳон ўз фикридан қайтмади.

Афсус шундай оналар ҳам бор, қизининг бахти, оиласининг тинчлиги, унинг ҳам бахти, тинчлиги эканлигини тушунишмайди. Ахир ҳалқимизда қадимдан қиз бола борган жойида тиниб-тинчисин, ўша оилга меҳр қўйсин, туп қўйиб палак ёзсин, дейишади. Кекса қайнота-қайнонага, эрига ва шу оила аъзоларига қараш, уйни саранжом-сарийшта тутиб шу келиннинг вазифасику. Дурдонахон ўша оилга меҳр қўйиб тинчгина яшаб юрган бўлса бунинг нимаси ёмон. Онаси эса гўё унга ачиниб уни мажбурлаб уйда олиб қолди. Куёви кўп бор зорланиб келганда унга қаттиқ гаплар айтиб дилини оғритди. Бора-бора куёв келмайдиган бўлгач, қизининг ўзи уйига кетиш истагиди бўлганда ҳам қарши бўлиб, унинг бахтига зомин бўлди. Ўз қизининг бахтсиз бўлишига сабабчи бўлиб, учта қора кўз набираларини етим қилган бундай оналарга нима деса бўлади. Наҳотки, қизининг бахтсизлигига ўзининг айбдор эканлигини тушунаётган бўлса. Ҳалимаҳонга ўхшаган баъзи маънавияти паст оналарнинг бундай қилмишлари албатта ўзларига катта ташвиш келтиради. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Дилором ИКРОМОВА

## Шарқ дурдоналари

### ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БУЛУР...

Форобий ҳикматлари:

● Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин кўринади. У билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади.

● Оққўлак билан максдаг интилувчиларнинг иши ҳамиса гарази бўлади, фақат ўзларининггина ўйлайди.

● Инсоннинг хайрли ва гўзал ишлари учун хизмат қилувчи руҳий хислатлари яхши фазилятдир.

● Яхшилик қилиш ҳурмат-эҳтиромли бўлиш, лаззатланиш, саодатли бўлиш йўлида қилинадиган ишларни амалга оширишдаги энг яхши усуллардан биридир.

● Хоҳ шаҳарни бошқаришда бўлсин, хоҳ уй қуришда бўлсин, яъни ҳар бир соҳада мулоҳазали одам учун энг муҳими тўғри, фозилона фикр юриштидир. Токи бирон қаршиликка учраганда уни бартароф этувчи тўғри йўл топа олсин.

● Халқ ақли кишиларни доно деб атайти, чунки улар инсонларга керакли нарсаларни ўйлаб топадилар.

● Инсон туғилганда қамолотли бўлиб туғилмайди, янги туғилганлар орасида аслида фарқ ҳам бўлмайди, ҳулқи, фойалиги, хайти ўхшаш бўлади. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамятда одамлар орасида ўса бошлагандан кейин шаклланади.

Қисса:

Бир арслон ўз ёнида ўтирган бўри билан тулкига ҳамкорликда овга боришни таклиф қилиб деди:

— Ҳаммамиз ўрмоннинг турли тарафига тарқалайлик. Нимани ов қилсак, мана шу жойга келиб тақсимлаймиз.

Улар арслоннинг сўзини қабул қилиб, ҳар тарафга тарқалдилар. Бироз фурсатдан кейин арслон бир қулони саж қилиб келтирди. Бўри бир кийикни, тулки эса бир қўвўни олиб келди. Ўлжаларнинг ҳаммасини арслоннинг ёнига қўйдилар. Арслон буларни тақсим қилишни бўрига буюрди. Бўри арслоннинг олдига қулони қўйди. Кийикни ўзига, қўвўни тулкига берди. Бундан ғазабланган арслон бўрини тилка-пора қилди. Сўнгра ўлжаларни тақсим қилишни тулкига буюрди. Тулки арслонга таъзим қилиб:

— Ҳозир тушки овқат вақтидир. Дарҳол қулони тановул қилинг. Кечки пайтда қорнингиз очса, кийикни тановул қиласиз. Эртага эрталаб уйқудан турганингизда юракнинг зардобини битириш учун қўвўни ерсиз, жуда яхши даво бўлади, — деди.

Арслон тулкининг тақсимидан завқланиб:

— Сен бу мақбул тақсим қилишни қимдан ўргандинг? — деб сўради.

Тулки қулиб:

— Оёғингиз остида ўлиб ётган бўридан ўргандим, — деб жавоб берди.

Хисса: Инсон ҳар вақт бошқаларнинг қилган ишларидан ибрат олиб, ўз ишларини гўзал тадбир асосида қуриши керак. Агар шундай қилмаса фалокатга дучор бўлиши турган гап.

## ҲИ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР ҲИ

● Агар пахта, ипак ва жундан тайёрланган кийимларингизда доғ пайдо бўлса, доғ бўлган жойининг ҳар иккала томонидан тиш қуқуни сепиш даркор. Кейин устига ок қоғоз қўйиб, оғир нарса билан бостириб бир кун қўйинг. Сўнгра қуруқ чўтка билан тозалаб.

● Гуруччи юваётганда сувга озгина укус қўшиб ювсангиз, гуруч оппоқ бўлиб ошингиз ширин бўлади.

● Товани ишлатмоқчи бўлсангиз уни албатта тозалаб ювинг. Унда қолган ёғдан иккинчи марта зинҳор фойдаланманг. Чунки қиздирилган ёғда организм зарарли моддалар ҳосил бўлади. Ёки ёғ ичига бирор нарса тушиб қолиши мумкин.

## БИЛАСИЗМИ?

● Инсон организмга турли хил витаминлар етишмаслигидан баъзида шундай ҳолатларни сезиш мумкин.

Масалан қуруқ ва синувчан сочлар, сочдаги қазғоқ. Бу А витаминининг етишмаганлигидан. Бу сабзи, исмалоқ, қўқ салатларда бўлади.

● Бурундан кўп қон кетса, К витамини етишмаслигидан далолатдир. Бунинг учун мол ва товуқ гўшти, қарам истеъмол қилинг.

● Тирноқларнинг синиши, тишларнинг ёмон ҳолатда ўсиши, суякларнинг синувчанлиги, мушакларнинг бўшаши, милклардан қон кетиши-бу С витамини етишмаганлигидан. Бунинг учун ширин қалампир, наъматак, қорағат ва қўқатлар истеъмол қилинг.

● Оғиз чети ва томоқ яраси В<sub>2</sub> витамини етишмаслигидан келиб чиқади. Бу витамин пиво ачитқиси, скумбрия, судга мажбуд.

● Ошқозон фаолиятининг бузилиши ва чарнаш ҳолатлари - В<sub>6</sub> фолат кислотасининг етишмаслигидан. Бу мол жигари, нўхот ва қарамада бўлади.

## Ёш вақтингизда

МУАММОНОМА				
6	10	1		
9	3	7	11	10 8
5	4	6	10	1
2	7	5	10	8.
1. Орол бўйи давлати. 1				
2. Афғонистон шаҳари. 3. "Одиссея" муаллифи. 4. Нота. 2				
5. Узум туپи. 6. Айялна қисми. 7. Оснб давлати. 3				
8. Инглиз адаби. 9. Неймат буювдор. 5				
10. Аҳил. 11. Жоду. 12. Кимёвий модда. 13. Украин адаби. 6				
14. Газлама. 15. Оснбдаги тоғ. 16. Қитъа. 7				
17. Биринчи ўзбек овозли фильми. 18. Япониядаги шаҳар. 9				
19. Узок. 20. Абдулла Орипов шеъри. 21. Европадаги пойтахт. 10				
22. Қиш транспорти. 23. Илрок. 24. Учш қурилмаси. 11				
1. Пиррида, 4. Қўқам элчиси. 2. Четирадош давлат пойтахти. 3. Япония автомобил. 4. Уи. 5. Қўқам сарой. 6. Илсрий асар. 7. Муқаммал ағити. 8. Мақом. 9. Катта ақли. 10. Эркак исми. 11. Мансабдор уюлони. 12. Хайрон. 13. Нефть ёқилғиси тури. 14. Ўзбек шоири. 15. Тик. 16. Пиррида. 17. Ширинлик. 18. Ёш қонлик. 19. Авто чирок. 20. Хўл меза. 21. Газлама. 22. Металл арқом. 23. Бокс жойи. 24. Россия вилояти. 25. Ёлғи. 26. Илк ҳосил. 27. Гап бўлаги.				

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

## ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 11 АВГУСТ СОНИДА БЕРИЛГАН ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

- Ка. Бўка. Ойдин. Ром. Ҳимолай. Тик. Дин. Амалдор. Мо. Асаларичилик. Қўқ. Ре. Бе.
- «Нурли». Ошам. Марв. Ал. Уч. Немис. Ховли. Қумри. Қаҳқаҳа. Амин. Кема. Теша. Бутан.
- Жавзо. Америка. Ва. Кирза. Уд. Мих. «Урал». Нун. Эллада. Жамалак. Тарих. Планк.
- Шимпанзе. Куртак.
- Калит сўзлар: Мулойимлик — ризққа етакловчи калит. (Ҳикмат).

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОИЛАР

## «ЭСКИ ЖЎВА ДЕХҚОН БОЗОРИ» ОАЖ 2005 йИЛ 8 СЕНТЯБРЬ КУНИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

### КУН ТАРТИБИ

1. Жамият таркибидаги «Кўкча-Оқтепа» шохбчалари «Фарход деҳқон бозори» ОАЖ таркибига ўтиши муносабати билан жамият «Бизнес режа»сига ўзгартириш киритиш.
2. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
3. Жамиятга тегишли бўлган баъзи бир объектларни сотиш.
4. Жамият томонидан жойлаштирилган акци-

яларни қайтариб сотиб олиш.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошлаб амалга оширилади. Бизнинг манзил: Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2005 йил 24 август ҳолати билан ёпилади.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
42-17-12, 144-67-01.

**Жамият Кузатув кенгаши.**

## СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИХАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН ҚЎЙИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

2005 йил 29 августда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдолари ўтказилади:

1. «Газ-53» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошланғич нархи 199 430 сўм, техник носоз;
2. «Газ-3306» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз;
3. «Луаз-969М» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 276, бошланғич нархи 1 033 967 сўм, техник носоз;
4. «Газ-2411» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 276, бошланғич нархи 1 033 967 сўм, техник носоз;
5. «Кавз-685» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 486, бошланғич нархи 2 266 608 сўм, техник носоз;
6. «Каз-60882» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 144, бошланғич нархи 3 960 184 сўм, техник носоз;
7. «Зил-ММЗ-45021» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 142, бошланғич нархи 2 588 053 сўм, техник носоз;
8. «Газ-5204» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 337, бошланғич нархи 2 055 908 сўм, техник носоз;
9. «Дэу-Рейсер» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 710, бошланғич нархи 3 129 424 сўм, техник носоз;
10. «Дэу-Рейсер» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 638, бошланғич нархи 3 145 029 сўм, техник носоз;
11. Москвич-2140 автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 56-71 ТША, бошланғич нархи 363 068 сўм, техник носоз;
12. «Зил-431412» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10-16 ТШС, бошланғич нархи 2 351 676 сўм, техник носоз;
13. «Газ-53» автомобили, 1991 йил-

да ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30-99 ТШС, бошланғич нархи 1 627 450 сўм, техник носоз;

14. «Газ-24» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 57-98, бошланғич нархи 747 319 сўм, техник носоз;
15. «Газ-24» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 О 26-74, бошланғич нархи 1 450 000 сўм, техник носоз;
16. «Ваз 2108» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 К 57-56, бошланғич нархи 1 920 000 сўм, техник носоз;
17. «Иж-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 232 138 сўм, техник носоз;
18. «Ссанг Енг муссо» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 4 608 214 сўм, техник носоз;
19. «Урал-43220» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 34-14 ТНФ, бошланғич нархи 12 000 000 сўм, техник носоз;
20. «Газ-2411» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Г07-87, бошланғич нархи 1 267 442 сўм, техник носоз;
21. «Ваз-2101» автомобили, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Е 48-22, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
22. «Ауди-А8» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси А 864 SFM, бошланғич нархи 9 000 000 сўм, техник носоз;

2005 йил 21 сентябрда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдолари ўтказилади:

1. «Хундай Н-100» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 70-16, бошланғич нархи 9 470 000 сўм, техник носоз;
2. «Газ-31029» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЖ 305, бошланғич нархи 1 620 236 сўм, техник носоз;
3. «Ваз-2107» автомобили, 1991

йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЖ 306, бошланғич нархи 815 000 сўм, техник носоз;

4. «Зил-130» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЗ 068, бошланғич нархи 844 000 сўм, техник носоз;
5. «Газ-5205Р» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 39-41 ТНМ, бошланғич нархи 206 000 сўм, техник носоз;
6. «Газ-31029» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 713, бошланғич нархи 446 400 сўм, техник носоз;
7. «Газ-5312» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 453, бошланғич нархи 438 000 сўм, техник носоз;
8. «Уаз452В» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22-64 ТНМ, бошланғич нархи 128 000 сўм, техник носоз;
9. «Дэу-эсперо» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Т 54-12, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз;
10. «Ваз-21063» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 727 000 сўм, техник носоз;

**Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.**

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00дан 18.00га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсуфов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.**

«050»:

## ЁНФИННИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Яққасарой тумани, Нукус кўчаси, 2-уй, 133-хонадон эшиги кулфланиб, ичкарида газ плитаси ёқиқ қилиб кетганлиги ҳақида фуқаро Якубовдан хабар тушди.

Олдий аскар Н.Бозоров бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси А.Содиқов томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилди ва ёнфиннинг олди олинди.

## ТЕРГОВ

### ГУРУҲИГА

### ТОПШИРИЛДИ

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасига Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, Ўзбекистон миллий боғи ҳудудидаги кўприк ёнидаги чархпалакка одам жасади илиниб қолганлиги ҳақида Чилонзор туман ИИБ ходимларидан хабар тушди. «Сувда кутқарув хизмати» кутқарувчи-ғаввослари томонидан махсус моторли қайиқ ва сувда кутқарув жиҳозлари ёрдамида таҳминан 40-45 ёшли, номаълум эркак кишининг жасади сувдан олиб чиқилди ва Чилонзор тумани ИИБ тезкор-тергов гуруҳига топширилди.

## «БЎРИЖАР»

### КАНАЛИДА

Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Чилонзор тумани, Байналмиал кўчасида оқиб ўтган «Бўрижар» каналда одам жасади борлиги ҳақида ИИБ тезкор навбатчисидан хабар тушди. Сержант М.Бектуров бошчилигида «Сувда кутқарув хизмати» кутқарувчи-ғаввослари томонидан сувда кутқарув жиҳозлари ёрдамида таҳминан 20-25 ёшдаги номаълум эркак кишининг жасади сувдан олиб чиқилди ва туман ИИБ тезкор-тергов гуруҳига топширилди.

## СОҒ-САЛОМАТ КОЛДИ

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Юнусовод тумани, 9-даха, 14-уй, 88-хонадон эшиги кулфланиб, ичкарида 2 ёшли бола қилиб кетганлиги ҳақида фуқаро Оллоқулловдан хабар тушди. Лейтенант Р.Абдухаликов бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси О.Хўжаев томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон очиб берилди ва бола ота-онасига соғ-саломат топширилди.

## ХОНАДОН ЭШИГИ ОЧИЛДИ

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Чилонзор тумани, 19-даха, 6-уй, 5-хонадон эшиги кулфланиб, ичкарида ногирон, ёши улуг аёл қолганлиги ҳақида фуқаро Юнусовдан хабар тушди. Лейтенант С.Кудратов бошчилигида «Кутқарув хизмати» кутқарувчиси З.Насриддинов томонидан махсус кенгайтирувчи асбоб орқали хонадон эшиги очиб берилди.

**Хуснияҳон АХМЕДОВА**

**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**  
**«ХНАК» шўъба**  
**жамияти қуйидаги**  
**автомашиналарни**  
**сотувга қўяди:**

№ т/р	Русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Баҳоси
1.	М-412	1982	11 А1 051	211782
2.	ММЗ-554	1990	82-93 ТШС	661384
3.	ГАЗ-2411	1991	35-13 ТШС	282781
4.	КАВЗ-685	1981	11 АҚ 180	633609
5.	ПАЗ-675 М	1987	11 АҚ 183	2204327
6.	ПАЗ-3205	1991	11 АҚ 202	760331
7.	ВАЗ-2121	1985	11 А1 091	327046

**Манзил: Тошкент тумани, Келес шаҳри, Кўктерек кўчаси, Ойбек кўчаси, 42-уй.**

**СОҒЛИҒИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА**

**Турли юкмули ичак касалликларидан эҳтиёт бўлайлик!**  
 Ёзнинг одатдагидан иссиқ келиши ва ҳароратнинг муттасил юқори бўлиб тургани сайёра-мизда айрим ўткир юкмули касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бундай хасталиклар сирасига «пандан гриппи», вабо, оқсил, ўткир ичак касалликлари қиради. Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қараганда, бундай юкмули касалликларнинг айримлари баъзи Осиё давлатлари ва бошқа мамлакатларда қайд этилган. Бу барчамизни янада ҳушёрроқ бўлишга ундайди.


Шу боис мамлакатимизда профилактика ишлари кўлами ҳар қанонгидан ҳам кенгайтирилди. Жойлардаги санитария-эпидемиологик вазият тегишли муассасалар томонидан қатъий назорат остига олинган. Жумладан, очик сув ҳавзалари, дарёлар, анҳорлар, кўллар суви мутахассислар томонидан мунтазам текширилмоқда. Бозорлар, савдо тармоқлари, умумий овқатланиш шохобчаларидаги тозалик-озодалик, божхона масканларидаги карантин-текшириш ишлари назорати кучайтирилди. Аммо инфекциянинг олдини олиш, аввало, ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Бу эса ҳар биримиздан санитария ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади.

Рухсат этилмаган сув ҳавзаларида, анҳор ва кўлларда чўмилишга, бундай сувлардан ичишга қатъий чек қўймоқ керак. Айниқса, фарзандларимизга буни чуқурроқ тушунтиришимиз лозим.

Мамлакатимизда юқорида эслатилган бирон-бир юкмули касаллик қайд этилгани йўқ. Аммо бепарво бўлмаслигимиз даркор. Зотан, соғлигимиз, аввало, ўз қўлимизда эканини сира унутмайлик.

(ЎЗА)

«Konstruktor» илмий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси меҳнат фахрийчи **Йўлдош Рустамович МАМАЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.



Давоми. Боши 1-бетда.

Шу сабабдан ҳар иккала жамоа яшил майдонга жанговар таркибда фақат галаба қозониш иштиёқида тушганлигини алоҳида таъкидлашга ҳожат бўлмас керак.

Шундай қилиб маъзур тарихий баҳсга терма жамоамиз куйидаги таркибда тушди: Евгений Сафонов, Февзи Давлетов, Асрор Алиқулов, Алексей Николаев, Николай Ширшов, Сервер Жепаров, Виктор Карпенко, Миржалол Қосимов, Тимур Копадзе, Александр Гейрних, Максим Шацких.

Таркибда Андрей Фёдоров, Олег Лашинин, Бахтиёр Ашурматов каби кучли ҳимоячиларнинг йўқлиги албатта мухлис мутахассисларни хавотирга солмай қўймади. Зеро, қарши ҳужумга асосланган тезкор ўйин тактикасини қўловчи Кувайт терма жамоаси билан ўтказиладиган ўйинда мустаҳкам ҳимоянинг аҳамияти катта эканлиги сир эмасди.

Ҳар ҳолда 4+4+2 тактик схемасида майдонга тушган чарм тўп усталаримиз биринчи бўлиб ҳужумни амалга оширишди — Карпенконинг зарбаси анча заиф эканлиги сабабли у рақибларимиз дарвозасига унчалик хавфли бўлмади.

Сўнг майдонда аниқ ҳаракат қилаётган кувайтлик чарм тўп усталари бир нечта қарши ҳужум уюштиришда Евгений Сафонов уларни бартараф қилишга муваффақ бўлди.

11-дақиқада жамоа сардори Миржалол Қосимов бурчак тўпини шерикларига аниқ етказиб берди, бироқ ҳужумчиларимиз зарбаси кўнгилдагидек чиқмади.

Кутилганидек рақибларимизнинг икки моҳир ҳужумчиси — дастлабки ўйинда жамоамиз дарвозасини икки бор ишғол этган Башар Абдулазиз ҳамда Бадр Мутвалар ҳимоя чиқаришга тез-тез ёриб ўтиб, дарвозамизга хаф солиб турдилар.

Ана шундай қарши ҳужумларнинг бирида 17-дақиқада Башар Абдулазиз дарвозабон билан яккама-якка чиқиб кучли зарба берди. Сафонов зарбани қайтаришга муваффақ бўлсада Бадр Мутва тўпга биринчи бўлиб етиб кел-

ган ҳолда уни бўш дарвозага йўллаб ҳисобни очди.

Орадан кўп ўтмай Башар Абдулазиз жарима майдончасига узатишга тўпини боши билан тўрга туширган ҳолда ҳисобни оширди — 2:0. Ҳар иккала голда ҳам ҳимоячиларимизнинг хатолари очик-ойдин кўриниб турди.

Албатта, кучли рақиб билан бундай масъулиятли учрашувларда ўйин йўналишини ўзгартириб, галаба қозониш деярли бажариб бўлмайдиган мушкул вазифа эди. Бироқ ўзларини қўлга олган чарм тўп усталаримиз бунинг удасидан чиқмишди.

Албатта, Қосимовнинг техникасига қойил қолмай иложинг йўқ, Энди унинг ўнг қанотдан қойилмақом тарада чиқарган бурчак тўпини Жепаров оёғи билан чиройли йўналтириб берди ва уни Анвар Солиев боши билан тўрга туширди. Бу вақтда стадиондаги мухлисларнинг қувончини таърифлашга ҳатто қалам ҳам оқизилқ қилди. Шу тариқа чарм тўп усталаримиз бутун имкониятлари, куч-маҳоратларини жамлаб, ўйин йўналишини бутунлай буриб юбориб, деярли амалга ошириб бўлмайдиган ишни жуда қойилмақом тарада бажаришди. Зеро, тарихда ҳам расмий учрашувларда бундай йирик ҳисобда ютқазиб туриб галабага эришиш ҳоллари жуда кам рўй берган. Шундай қилиб, ўйин охиригача, деярли 20 дақиқа давомида рақибларимиз уч-тўрт бор ҳужум уюштиришдан бўлса-да, улар унчалик хавфли эмасди. Аксинча, кучли ру-

хий кўтарилишда бўлган футболчиларимиз бир нечта юз фоизлик гол киритиш имкониятларига эга бўлдилар, ҳатто Шацких ва Қосимовларнинг жуда кучли зарбалари дарвоза устуни ва тўсинага тегиб қайтди, сўнгги лаҳзаларда эса дарвозабон билан яккама-якка чиққан Солиевнинг ҳисобни оширишига оз қолди.

Чарм тўп усталаримиз бутун республикамиз футбол мухлисларининг ишончини оқлаган ва уларни беҳад қувонтирган ҳолда ажойиб галабага эришишди. Ушбу галаба жамоамизга глей-офф босқичи сари йўл очди ва сентябрь ойи бошларида футболчиларимиз Баҳрайн термаси билан иккита ўйин ўтказадилар. Агарда ушбу босқичда ҳам омад ёр бўлса (бунинг учун барча имкониятларимиз етарли), КОНКАКАФ минтақасида тўрттинчи ўринни олган жамоа билан 12 ва 16 ноябрь кунлари яна икки ўйинда баҳс юритиш имкониятини қўлга киритадилар. Ана шу баҳслар жаҳон чемпионатида бевосита йўл очади.

Биз оғир ва масъулиятли «имтиҳон»дан ёруғ юз билан ўтган миллий терма жамоамиз футболчиларига кейинги босқичларда ҳам омад тилаймиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон-Кувайт учрашувида лавҳалар.**

**Ҳакимжон Соликов олган суратлар.**

**ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ**

Ҳаракатчан Гейрних рақиб ҳимоячилари жарима майдончаларида йиқитганларидан сўнг ҳакам пенальти белгилади. Уни дарвозабонни моҳирона алдаган ҳолда Сервер Жепаров аниқ бажариб ҳисобни 2:1 га етказди. Ана шундан кейин мухлисларда умид уйғонди.

Иккинчи бўлими шу ҳисобда бошлаган футболчиларимизнинг руҳлари кўтарилиб, эндиликда тўхтовсиз ҳужумлар уюштиришга бошладилар. Кўпинча «қутқарувчи» сифатида 2-бўлимда майдонга тушиб, ҳал қилувчи голларни киритишга ихтисослашган Анвар Солиев ҳамда Ф.Давлетов ўрнига Марат Бижмаевнинг туширилиши жамоамиз ўйинини янада жонлан-тириб юборди. Ҳимоямизда уч киши қолган бўлса-да, барча чиқиқ ўйинчилари уюшқоқлик билан ҳужумга зўр беришди. Терма жамоамиз ўйинини эса М.Қосимов моҳирона бошқариб турди. Кетма-кет уюштирилаётган хавфли ҳужумларнинг бирида айнан унинг чап қанотдан чиқариб берган бурчак тўпини баланд бўйли Шацких худди машғулотаги каби боши билан аниқ йўллаган ҳолда ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Бу чиройли гол терма жамоамиз аъзолари ва ишқибозларни бениҳоя тўлқинлантириб юборди.

Биз учун дуранг мағлубиятга тенг эканлигини яхши англаган футболчиларимиз суръатни асло бўшаштиришмади.

*Муцажжим башорати*

**КЕЛАЖАК БИЛАН УЧРАШУВ КУНИ**

19 АВГУСТ, ЖУМА

Бугунги жума кўп жихатдан олдинги кунга ўхшаб кетади. Меркурийнинг Арслон буржининг барод қилувчи 10-даражасида туриши аввалгидай шошилинч ҳулосалар ва янги танишувлардан огоҳлантиради. Ковга буржидан ўтётган Ой сайёраси худди кечатгидай одамларни «ҳийлакор» қилиб, уларнинг қилмишларини олдиндан билишини илоҳи бўлмайди.

Ой сайёраси йўналиши сиз ҳақда бўладиган (соат 20.54 дан 23.00 гача) эхтиросларга эрк бермай, арзимган нарсалардан жаҳлингиз чиқиб, мувозаинатингизни йўқотманг.

Бугун овқатдан ҳар қандай тортилиш фойдалани бўлади — тана турли тикинлардан тозалананди. Шу кун илоҳи борича суоқликни кам ичиш керак. Зеро, бугун у ифлослантирувчи салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кун жуда муҳим кунлардан ҳисобланиб, қандайдир эзгу ишни бугун бошламасангиз, бутун бир ой умрингиз зое кетиши мумкин. Умуман, ҳар қандай янги ишни ойнинг 14-15-кунлари бошлаган маъкул.

Вақтингизни кўпроқ табиат қўйнида ўтказиш ёки уй-рўзғор ишлари билан машғул бўлиш, яқинларингиз билан кўришиб, мулоқотда бўлиш хайрли бўлади. Сизни хафа қилганларни кечиришингиз, душманларингиз билан ярашиш, дўстлар билан дийдор кўришингиз шу куннинг сермазун ўтишини тавминлайди. Интеллектуал меҳнат билан, ижодий ва ноъанавий ёндашувлари талаб этадиган масалаларни ечиш билан шуғулланиш мароқли бўлади.

Бу жума тақдиринг ҳар қандай аломатларига эътибор қилиш, одамларнинг маслаҳатларига қулоқ тутиш керак бўлади. Жониворлар-

лари заифлашиб, хасталикларга мойил бўлади.

Кийимлардан кўзга ташланавермайдиган кўк, қумушранг либослар ёқимли бўлиб, ҳар қандай сарғиш, зарғалдоқранглардан ўзингизни олиб қочинг.

**БУГУН:**

- одатий, анча мураккаб ишлар билан шуғулланиш;
- кунни ўзингиз кўнгики кетган тарзда ўтказиш;
- имкон қадар уйда, томорқа участкасида меҳнат қилиш;
- молиявий, турар жой ва бошқа шунга ўхшаб мураккаб муаммоларни ҳал этиш;
- эскичасига ҳаракат қилиш, урф-одатларга таяниш, аломатларга ишониб иш қилиш;
- ўзингизга яхши таниш бўлган жамоа билан ишлаш ёки дам олиш тавсия этилади.
- Айниқса шахсий ҳаётингизда янги эрмак топшиш, мустақил қарорлар қабул қилиш, ижодий қобилиятингизни намоён этишдан бугунча эҳтиёткор бўлганингиз маъкул.



**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма таъбоқ обьект усулида босилди. Қўзғаткичи А-3 246 нусxada босилди.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармаси 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқмай. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»мига — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шорф» нашрийт-матбعا акциядорлик компанияси босмоқсон. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.